



## ЎҚУМНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИЎАТЛАРИ

**Обидов Толибжон Авазхонович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

akrom.tojibayev@mail.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-01>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 02<sup>nd</sup> February 2023

Online: 03<sup>rd</sup> February 2023

### KEY WORDS

Ўқум, айблов ҳукми, оқлов ҳукми, мантиқий, кетма-кетлик, жиноят-процессуал, шахс, жиноят, содир этиш, услоҳотлар.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят-процессуал ҳужжат ҳисобланган ҳукмнинг турлари, ушбу ҳукм турларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари ҳукм турларига оид оид миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари баён қилинган.

Ўқумда барча масалаларга қатъий, асослангирилган жавоблар кўрсатилиши, судланувчи жиноят содир этишда ё айбланиши ёки оқланиши шарт. Чунки, судланувчига нисбатан бир неча айб қўйилаётган ёки бир жиноят иши бўйича бир неча судланувчи айбланаётган ҳолларда ҳам иш бўйича фақат битта ҳукм қабул қилинади. Шунинг учун, ҳукм ягона ҳужжат бўлганлиги боис айрим айбланувчиларга нисбатан айблов, бошқаларига нисбатан эса оқлов ҳукми қабул қилиниши мумкин.

Бу борада С.Г.Мирецкийнинг қуйидаги фикрларига қўшиламмиз: “Фактик жиҳатдан битта ҳукмда турли ҳукмлар жамланган бўлиши мумкин: гуруҳ ишлари бўйича у баъзи судланувчига нисбатан айблов, баъзиларига нисбатан эса оқлов ҳукми бўлиши, ЖКнинг баъзи моддалари бўйича маҳкумга айблов, бошқа моддалари бўйича эса оқлов ҳукми бўлиши ва ҳ.к. эҳтимолдан холи эмас”<sup>1</sup>.

Жиноят процессуал кодексининг 462-моддасида ҳукм икки турда бўлиши таъкидланган: айблов ҳукми ва оқлов ҳукми.

Айблов ҳукми судланувчининг айби суд мажлисида ҳар томонлама, тўла ва холисона мақбуллик ва алоқадорлик талабларига жавоб берган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас, балки аниқ далилларга асослаган ва ушбу далиллар суд муҳокамаси жараёнининг муҳим этапи бўлган суд тергов босқичида текширилган бўлиши талаб қилинади.

Ушбу борада К.Ф.Гуценконинг фикрлари ўринли ҳисобланади. Унинг фикрича, айблов ҳукми айбсизлик презумпцияси қоидаларидан келиб чиққанда тахминларга асосланмаслиги, балки аниқ текширилган далилларга асосланиши талаб қилинади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мирецкий С.Г. Приговор суда. –М.: Юрид. лит., 1989. –Б. 25-27.

<sup>2</sup> Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Под ред. К.Ф.Гуценко Изд. 3-е, перераб. И доп. – М.: Издательство Зерцало, 1999. 379 с. (608 с.)



Жиноят-процессуал кодексининг “Айблов ҳукми чиқариш асослари” деб номланувчи 463-моддасига асосан, айблов ҳукми жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асосланади.

В.С.Авдонкиннинг фикрича, айблов ҳукми – мантиқий кетма кетликда қонуний, адолатли, асосли тарзда тузилган, далилларга асосланган процессуал ҳужжат саналади<sup>3</sup>. Ушбу тушунча айблов ҳукмига оид умумий жиҳатларни изоҳлаш билан чегараланган ҳисобланади.

И.А.Остапенконинг фикрича, айблов ҳукми - судланувчининг айбдорлигини аниқлаш масалалари бўйича давлат номидан суд мажлисида қабул қилинган, қўйилган айблов доирасида жиноят содир этилганлиги ва айбдорга нисбатан жазо қўллашга оид жиноят иши бўйича қонуний кучга эга бўлган якуний қарордир<sup>4</sup>. Ушбу тушунчага тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки айблов ҳукми доирасида нафақат жазо балки бошқа таъсир чорасини ҳам қўллаш мумкин саналади.

И.П.Попованинг фикрича, айблов ҳукми – биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси томонидан судланувчининг айбдор эканлигини ва унга жазо чораларини қўллаш, айрим ҳолатларда эса шахсга нисбатан жазо чораларини қўлламасликда акс этувчи суд қароридир<sup>5</sup>.

А.М.Гамидов П.А.Алиеваларнинг фикрича, айблов ҳукми – суд томонидан далиллар билан исбот қилинган судланувчини айбдор деб топиш ҳамда унга нисбатан жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик, айрим ҳолатларда эса жазодан озод қилишни ўзида ифода этувчи одил судлов актидир<sup>6</sup>. Ушбу тушунчада бошқа тушунчаларга нисбан аниқроқ бўлсада, ҳукмнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олмаган. Шахсга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўлланилиши ва бошқа масалалар ёритилмаган.

Юқорилар асосида хулоса қилган ҳолда, фикримизча, *айблов ҳукми деганда, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарадиган, судьяларнинг жиноят ҳодисаси бўйича берилган жиноий-ҳуқуқий баҳоси ҳамда жиноят туфайли келиб чиққан ҳуқуқий оқибатларни бевосита ва холисона акс эттириш, жиноят содир этилган тақдирда шахсга нисбатан жазо ёки бошқа жазо чораларини қўллаш, етказилган зарарни қопланишини таъминлашга қаратилган қарори акс этган процессуал ҳужжат ҳисобланади.*

Демакки, ҳукм ва айблов ҳукми ўзига хос жиноят ишини баҳоловчи ўша жараён учун якуний суд қарори ҳисобланади. Унинг қабул қилиниши барча учун мажбурий бўлган оқибатларни юзага келишига сабаб бўлади.

<sup>3</sup> Авдонкин В.С. Структура обвинительного приговора, постановляемого в общем порядке. Уголовный процесс. №7. 2022 й. июль. 24 с.

<sup>4</sup> Остапенко И.А. Приговор как итоговое решение по уголовному делу. Автореферат. 12.00.09, кандидат юридических наук. – Владимир. 2007. 14 с.

<sup>5</sup> Попова И.П. Свойство обвинительного приговора в Российском уголовном судопроизводстве. Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2015. №1. 51 с.

<sup>6</sup> Гамидов А.М., Алиева П.А. Обвинительный и оправдательный приговор: сравнительный анализ. Закон и право. 2021 й. №10. 125 с.



Айблов ҳукми уч турга бўлинади:

1. Жазо белгилаб чиқариладиган айблов ҳукми судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига тўла, ҳар томонлама текширилган, иш материалларида маълум бўлиб қолган камчиликлар тўлдирилган, шубҳа ва қарама-қаршиликлар бартараф этилган далиллар асос қилиб олинади (ЖПКнинг 463-моддаси 1-қисми). Агар суд томонидан маҳкум адо этиши лозим бўлган жазо белгиланган бўлса, албатта унинг тури, муддати, жазо муддатини ҳисобга олиб бошланган вақти кўрсатилиши керак<sup>7</sup>.

2. Жазодан озод қилиб, чиқариладиган айблов ҳукми:

а) мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса;

б) шахснинг ҳукм чиққунига қадар қамоқда ёки уй қамоғида бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган ушлаб туришни, қамоққа олишни ёки уй қамоғини ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб, суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёхуд бу чорадан ортиқ бўлса (ЖПКнинг 463-моддаси 2-қисми) чиқарилади.

3. Жазо тайинламасдан чиқариладиган айблов ҳукми:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса;

б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса. (ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми) чиқарилади.

Юқоридаги айблов ҳукми турларини бирма бир изоҳлаб чиқсак.

ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми чиқариш асослари кўрсатилган бўлиб, унда айблов ҳукми тахминларга эмас, ишончли далилларга асосланиши кўрсатиб ўтилган. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишига омил бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган камчиликларни тўлдириш, юзага келган барча шубҳа ва зиддиятларга барҳам бериш юзасидан тўпланган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Судланувчининг дастлабки тергов ёки судда айбини бўйнига олиши иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўлади. Айблов ҳукми судланувчининг айби суд муҳокамасида исботланганда чиқарилиши мумкин.

<sup>7</sup> Ворождов С.А. Приговор в уголовном процессе. -М.: "Юрайт". 2003. -Б. 27.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги №07-сонли қарорининг 5-бандида: “Судларнинг эътибори ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Бунда ЖПК 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлис баённомасида ўз аксини топган далилларга асослангилган бўлиши лозим”, 4-бандида эса “Судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослангилган ҳолда кўрсатилиши лозим”<sup>8</sup>, деб таъкидланган. Демак, суд ўз хулосаларини фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослантиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисмига қўра, қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти: 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса; 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса; 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса; 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса; 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; 7) шахс ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган пайтда жинойий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса; 8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлигини ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Ушбу асослар мавжуд бўлганда, одатда жиноят ишлари процесснинг илк босқичларида ёки судда жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш орқали яқунланади.

Бироқ ушбу ЖПК 84-моддаси иккинчи қисмида юқорида кўрсатилган биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинламасдан чиқарилади. Чунки мазкур кўрсатилган асослар билан жиноят ишини тугатилиши, жиноят оқибати билан боғлиқ бир қанча ҳуқуқий оқибатларнинг ечимини бартараф қилиш имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин. Масалан жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган моддий зарарни ундириш, ёхуд реабилитация асосларидан келиб чиқиб, айбланувчи, судланувчига моддий ва маънавий зарарни ундириш, иш

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги №07-сонли қарори. –Т.: 2014. –Б.17-19.



жойига тиклаш ва шу каби ҳуқуқий оқибатларни бартараф этиш имкониятлари назарда тутилган.

Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти: 1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлмай қолган деб эътироф этилса; 2) биринчи марта ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фoш қилишга фаол кўмаклашган бўлса; 3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноят содир этганининг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Ҳукмнинг яна бир тури бу оқлов ҳукми ҳисобланади.

Оқлов ҳукми деганда ҳуқуқшунос олимлар турлича фикрлар ва мулоҳазалар билдиришади.

Оқлов ҳукми одил судловни айбдор шахсни жинoий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан айблов ҳукмини қўллаш сингари таъминлашнинг бир шакли ҳисобланади<sup>9</sup>.

И.И.Самсоновнинг фикрича, оқлов ҳукми терговчи томонидан амалга оширилган ҳаракатларни нотўғрилигини, далилларни аниқлашда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги исботловчи ҳамда уни ваколатларини чекловчи процессуал ҳужжатдир<sup>10</sup>. Ушбу процессуал ҳужжат тергов органларининг ваколатларини чекловчи эмас, балки айблов етарли асосланмаганлиги сабабли айбсизлик презумцияни принципи талаблари устун келиши шакли ҳисобланади. Шу сабабли ушбу тушунчага қўшилиб бўлмайди.

Ю.Ю.Чуриловнинг фикрича, оқлов ҳукмининг ижтимоий ва сиёсий аҳамияти шундаки, суд давлат номидан у ваколат берган ташкилотларни хатоларини тан олади ҳамда ҳақиқатни қарор топтиради, дастлабки тергов органларини эса жиноятни содир этган ҳақиқий жиноятчини топишга ундайди<sup>11</sup>. Ушбу олимнинг фикрига қўшилиш мумкин, чунки оқлов ҳукми дастлабки терговда айдор деб топилган шахсни ҳаракатларини жиноят эмас деб топиб ушбу хатоларни тан олиш шакли ҳисобланади.

И.Л.Петрухинни фикрича, оқлов ҳукми - расмий равишда судланувчининг айбсизлигини эълон қилиш ва кафолатлашда акс эттирувчи суд ҳокимиятининг ҳужжати ҳисобланади<sup>12</sup>. Ушбу тушунча оқлов ҳукмини ҳамма элементларини тўлиқ акс эттирмайди.

Е.Г.Мартинчек дастлабки тергов материаллари оқлов ҳукмида инобатга олиниш ёки олинмаслиги масаласи тушунарсиз эканлигини таъкидлаб, ушбу маълумотлар

<sup>9</sup> Ветрова Г.Н. Санкции в судебном праве. М., 1991 г. 160 с.

<sup>10</sup> Самсонов И.И. Сущность и социально-ценностное значение оправдательного приговора // Вестник Удмуртского университета. 2011 г. №4. 144 с.

<sup>11</sup> Чурилов Ю.Ю. Актуальные проблемы постановления оправдательного приговора в российском уголовном судопроизводстве / под ред. З.Ф.Ковриги. М.: Волтере Клувер. 2010. 246 с.

<sup>12</sup> Петрухин И.Л. Оправдательный приговор и право на реабилитацию: монография. М.: Проспект, 2009. 192 с.



далиллар қисман аҳамиятли бўлсада тўла, етарли бўлмаганлиги учун суд уларга тўлиқ асослана олмайди дейди. Аммо ушбу ҳаракатлар суд учун қилинганлигини инкор қилиш мумкин эмас дейди<sup>13</sup>.

М.И.Пастуховнинг фикрича, оқлов ҳукми оқлаш ва реабилитация сингари икки алоҳида ҳуқуқий институт саналади. Шахсни оқлаш уни реабилитация қилишнинг бошланғич жараёнида амалга оширилади, реабилитация эса оқловнинг давомида ҳисобланади<sup>14</sup>. Ушбу икки олимнинг фикрлари ҳам оқлов ҳукмининг айрим муҳим жиҳатларини кўрсатиб беришга хизмат қилган.

Оқлов ҳукмининг ўзига хос хусусиятларида қуйидагиларда намоён бўлади:

- Оқлов ҳукми одил судловни амалга ошириш ҳужжат бўлиб, суд ҳомиятини амалга ошириш шакли саналади ҳамда шуниси билан тергов органлари қарорларидан фарқ қилади;
- Давлат у ваколат берган органларнинг хатога йўл қўйганлигини тан олиш шакли ҳисобланади. Шу шакл орқали адолат тикланади;
- Оқлов ҳукми шахсни унинг айби бўлмай туриб жиноий жавобгарликка тортишга қилинган ҳаракатга нисбаъан ўзига хос норозилик яъни санкция ҳисобланади;
- Оқлов ҳукмининг ҳаммаси ҳам шахснинг айбсиз, бегуноҳ эканлигини билдирмайди. Яъни ваколатли органларнинг сифатсиз иши орқали “латент оқлаш” яъни жиноий ҳаракатлари исботланмаганлиги учун судланувчини оқлашга давлат мажбур бўлади<sup>15</sup>.

Юқоридаги тушунчаларни умулаштирган ҳолда фикримизча, *оқлов ҳукми - Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган, содир этилган ҳодиса ёки жиноят ҳодиса бўйича берилган ҳуқуқий баҳо орқали судланувчининг айбсиз бўлганда жиноят содир этмаганлиги ёки айби исботланмаганлиги сабабли унинг оқланишини акс эттирувчи процессуал ҳужжат ҳисобланади.*

Оқлов ҳукми:

1. Жиноий ходиса юз бермаган бўлса;
2. Судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;
3. Жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса чиқарилади (ЖПКнинг 464-моддаси 1-қисми)<sup>16</sup>.

Бундан ташқари Жиноят-процессуал кодексига кўра, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг ЖПКнинг 464-моддаси 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленумининг 1997 йил 2-майдаги “Суд ҳукмлари тўғрисида”ги 2-сонли қарорида “Ишда тўпланган

<sup>13</sup> Мартинчек Е.Г. Основы формирования приговора в уголовном процессе. Монография. Кишинев. 1998 й. 201 с.

<sup>14</sup> Пастухов М.И. Оправдание подсудимова. Минск 1995 г. 112 с.

<sup>15</sup> Миронова М.А. Оправдательный приговор как акт судебной реабилитации подсудимого. Юридический вестник Самарского университета. 2016 г. Т.2. №4. 99 с.

<sup>16</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. 2006 й. -Тошкент, ТДҮОИ. 173 б. (430 б.)



далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослангирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади” деб кўрсатилган<sup>17</sup>.

ЖПКнинг 464-моддасига биноан, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги ва унинг жиноят содир этилишига дахлдор эмаслиги оқлов ҳукмини чиқариш учун асос бўлади.

Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги асосига кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборди<sup>18</sup>.

Судланувчининг юқорида тилга олинган асосларга кўра, оқланганлиги унинг мазкур жиноят иши юзасидан тўла реабилитация қилинганлигини, жиноятга алоқадор эмаслигини англатади. Шу билан бирга бу асослар орасида тафовутлар мавжуд. Чунки ЖПКнинг 283-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилганидек: жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш ҳодисаси юз бермаган бўлса; судланувчининг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавfli қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса; судланувчининг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса, суд оқлов ҳукмини чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни рад этади.

Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда эса суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади. Шунинг учун суд томонидан оқлов ҳукмлари чиқаришда ЖПКнинг 464-моддасидаги уч асосдан бири аниқ кўрсатилиши шарт.

Демак, айблов ва оқлов ҳукмлари чиқаришда суд томонидан кўплаб ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

## References:

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1997 й. –Б. 107

<sup>18</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.128.